



Мусулмон кишининг қони фақат учта ишнинг биттаси билангина ҳалол бўлади

Ибн Масъуд разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Мусулмон кишининг қони фақат учта ишнинг биттаси билангина ҳалол бўлади: оила кўрган зинокор, жонга жон ва жамоатдан ажраб, Исломни тарк этган одам», – дедилар.

[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ушбу ҳадисда мусулмоннинг қони ҳаром эканини, агар ушбу учта хислаттан бирини бажарса, қони ҳалолга айланишини баёнладилар: Биринчи: Ким шариатга мувофиқ келадиган никоҳи бўла туриб, зино каби фаҳш ишга қўл урса, у тошбўрон қилиш билан қатл этилиши ҳалол бўлади. Иккинчи: Ҳақсиз равишда атайлаб маъсум жонни ўлдирган киши маълум шартлар асосида қатл қилинади. Учинчи: мусулмонлар жамоасидан чиқиб кетган киши; Ислом динидан бутунлай чиқиб муртад бўлиб кетган ёки муртад бўлмаса ҳам диннинг бир қисмини тарк қилганлар. Масалан, Аҳли бағий (исёнчи гуруҳ), йўл қароқчилари ва душманчилик қилган хаворижлар.

<https://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/4714>

